

«Dunyoda ilmdan boshqa najot yo‘q va hech qachon bo‘lmagay». **Imom Buxoriy**



# IMOM BUXORIY SABOQLARI

№ 3  
2020

*ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal*

2020-YIL – ILM, MA'RIFAT VA RAQAMLI  
IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH YILI

IMOM  
BUXORIY  
XALQARO ILMIY  
TADQIQOT MARKAZI  
NASHRI

Ushbu sonda:

OILA HUQUQI  
MAVZUSIDA  
YANGI TADQIQOT

3

ALUDDIN  
USMANDIYNING  
BILIM HAQIDAGI  
QARASHLARI

4

MAHMUD  
ZAMAXSHARIYNING  
“KO‘ZI OJIZGA  
TASALLI” RISOLASI:  
YANGI TOPILMA

8

NARSHAXIY –  
BUXORO TARIXIGA  
OID MA'LUMOTLAR

22

ALUDDIN ATTOR  
SHAXSIYATI

44

MOTURIDIY VA  
ISLOMIY E'TIQOD

62

2 BIZ  
2000 – 2020  
YOSH DAMIZ!

## Ушбу сонда:

<b>Шовосил ЗИЁДОВ.</b> Оила ҳуқуқи мавзусида янги тадқиқот.....	3
<b>Отабек МУҲАММАДИЕВ.</b> Алоуддин Усмандийнинг билим ҳақидаги қарашлари.....	4

### АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

<b>Зоҳиджон ИСЛОМОВ.</b> Маҳмуд Замахшарийнинг “Кўзи ожизга тасалли” рисоласи: янги топилма.....	8
<b>Усмонхон МУҲАММАДИЕВ, Ҳошимхон АМАНОВ.</b> Маҳмуд Бухорий ва унинг “Ҳақоикул манзума” асари.....	9
<b>Равшан ЭЛМУРОДОВ.</b> Имом Мотуридий илмий фаолиятининг ислом илм-фанида тутган ўрни.....	10
<b>Шарофиддин ЛАТИПОВ.</b> “Муватто”нинг ҳанафий мазҳабида тутган ўрни.....	12
<b>Саиджамол МАСАЙИТОВ.</b> Мовароуннаҳр уламоларининг мерос илмига қўйган ҳиссаси.....	14
<b>Zarifjon PO‘LATOV.</b> Ibrat asarlarda turizm va investitsiyaga oid qarashlar .....	16
<b>Миродилло БОБОЕВ.</b> Абу Юсуф илмий меросининг Марказий Осиё халқлари ҳаётидаги ўрни.....	18

### НОДИР МАНБАЛАР

<b>Мирзақул НОРҚОБИЛОВ.</b> Саъдуддин Тафтазоний “Шарҳ ал-ақоид” асарининг ёзилиш тарихи ва ижтимоий зарурати.....	19
--	----

### ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

<b>Бахтиёр ЭРГАШЕВ.</b> Наршахий – Бухоро тарихига оид маълумотлар.....	22
<b>Sobirjon ISOQOV.</b> Jorj Tomson hamda Reynold Hogning Buxoro va Xivaga “tjorat safari” .....	24
<b>Феруз БОБОЕВ.</b> Хоразм воҳасида совет ҳокимиятига қарши курашнинг сўнгги босқичи (1925-1935 йиллар).....	26
<b>Наврўзбек РАХИМОВ.</b> Совет даври тадқиқотларида Хоразм Халқ Совет Республикаси.....	29
<b>Зуфар ҚОРЁҒДИЕВ.</b> Бухоро лўлиларининг урф-одат ва маросимлари.....	31
<b>Руслан АНЁЗОВ.</b> Ўрта асрларда қарвон йўллари хизмат кўрсатиши тизими фаолиятида почта хизмати (Марказий Осиё мисолида).....	33
<b>Фаррух АКЧАЕВ.</b> Жиззах воҳасида ақиқа билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар.....	35
<b>Шокир ҒАФФОРОВ, Ш.Р. РАВШАНОВ.</b> Россия империяси даврида Туркистоннинг миллий мактаб ва мадрасалари (Фарғона водийси мисолида).....	36
<b>Санобар ДЖУРАЕВА.</b> Қашқадарё вилояти Китоб тумани зиёратгоҳлари.....	39
<b>Собир ИСМОИЛОВ.</b> Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг пирлари.....	42
<b>Лобар АСРОРОВА.</b> Алоуддин Аттор шахсияти.....	44
<b>Лола МУҲАМЕДЖАНОВА.</b> Бухородаги 1917 йил 7 апрель воқеалари ва унинг тарихий фожияси.....	46
<b>Миржалолхон АСАТҲУЛЛАЕВ.</b> Вклад Узбекского народа в победу над фашизмом в годы второй мировой войны.....	49
<b>Шербек РАВШАНОВ.</b> Россия империясининг аҳолини кўчириши тарихий тажрибаси ва унинг Марказий Осиёга таъсири.....	51
<b>Хусниддин ЖўРАЕВ.</b> “Туркистон тўплами” ва рус даврий матбуоти Туркистонга кўчирилган аҳолининг машғулоти ҳамда хўжалик фаолияти ҳақида маълумот берувчи манба (XIX аср охири – XX аср бошлари).....	55
<b>Одилжон ИНОМОВ.</b> Қовунчи маданияти аҳолиси антропологик типининг шаклланиши.....	57
<b>Саидакбар МУҲАММАДАМИНОВ.</b> Бухоро амирлиги даврида яратилган айрим фатво тўпламлари ва уларнинг тарихий аҳамияти.....	60

### ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

<b>Шохрух АБДУРАСИЛОВ.</b> Мотуридий ва исломий эътиқод.....	62
<b>Шукруллоҳ ҚУРБОНОВ.</b> Инсоният тараққиётида Ислам цивилизациясининг ўрни.....	64
<b>Абдувоҳид ЎРОЗОВ.</b> «Насх» оятлари ҳақида.....	66
<b>Қурбон НУРБОЕВ.</b> Самарқанд шаҳри эронийлари: дини, динга боғлиқ урф-одатларидан айрим жиҳатлар.....	68
<b>Сойибназар КАРИМОВ.</b> Ислам цивилизациясининг маънавий-руҳий асоси.....	69

### ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТ

<b>Фаррух ҚИЛИЧЕВ.</b> Шахс экологик маданиятини юксалтиришида ислом дини ғояларининг аҳамияти.....	72
<b>Жамиид ТОШБОЕВ.</b> Ўрта Осиё халқлари давлатчилик тарихида трансформацион жараёнларнинг намоён бўлиши.....	74
<b>Асрор ТУРСУНОВ.</b> Восстановление духовно-культурного наследия узбекского народа в годы независимости (1991-2015 гг.).....	76
<b>Беҳзоджон МАЛИКОВ.</b> АҚШ ва Францияда давлат хизматини ташиқил этишининг ўзига хос хусусиятлари.....	79

<i>Ҳамид САДИҚОВ. Ер ресурсларини бошқариш жараёнларининг сиёсий-ҳуқуқий масалалари.....</i>	<i>81</i>
<i>Тунис ХОЖИЕВ. Мустақиллик йиллари модернизацияси илк босқичларининг ўзига хос хусусиятлари.....</i>	<i>84</i>
<i>Савлатбек КИСТАУБАЕВ. Зардуштийлик ҳамда Ислом динида табиат ва инсон муносабатларининг ифодаланиши.....</i>	<i>87</i>
<i>Акбар АБДУРАХМОНОВ. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришида миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлашувининг айрим жиҳатлари.....</i>	<i>89</i>
<i>Гулбахор ИСАНОВА. Сайловлар жараёнида сиёсий партиялар фаолияти ва унинг аҳамияти.....</i>	<i>91</i>
<i>Юнусжон ИСОМИДДИНОВ. Давлат ва жамият бошқарувида нодавлат нотижорат ташиқлотларининг коррупцион ҳолатларни олдини олишидаги иштироки масалалари.....</i>	<i>93</i>
<i>Шахзода НЕГМАТОВА, Шахло ИСХАКОВА. Ўзбекистонда зиёрат туризмининг ривожланиш истиқболлари.....</i>	<i>96</i>
<i>Нодирбек ҚОРАБОЕВ. Инновация ва уни ривожланиш босқичлари.....</i>	<i>98</i>
<i>Диловар НЕГМАТОВА. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги миллатлараро сиёсатининг асосий принциплари.....</i>	<i>100</i>
<i>Очил БЎРИЕВ. Ўзбек оилавий маросимларини ихчам ўтказиш жадидчилиқ арбоблари тавсифида.....</i>	<i>102</i>
<i>Ойбек СИРОЖОВ. “Минтақавий интеграция” тушунчасининг мазмун-моҳияти.....</i>	<i>104</i>
<i>Пўлат ҚАҲҲОРОВ, Жавлон ҚУЧҚОРОВ. Демократик жамиятини барпо этишида миллий менталитетнинг ўрни.....</i>	<i>106</i>
<i>Дилором ЮЛДАШЕВА. Тиббиёт туризмининг жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти.....</i>	<i>108</i>
<i>Илҳом САИДОВ, Равшан МАРДОНОВ. Источники ислама о роли женщины в семейно-брачных отношениях.....</i>	<i>110</i>

#### **ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР**

<i>Гулноза СУЛТАНОВА. Креативлик ва инновация: умумийлик ва фарқ.....</i>	<i>113</i>
<i>Шерахон ХАШИМОВ. Ўзбекистонда экологик туризм кластерларини ривожлантириш истиқболлари.....</i>	<i>114</i>
<i>Нафиса ЭГАМБЕРДИЕВА. Алишер Навоий асарларида комил инсонни тарбиялашнинг эстетик масалалари.....</i>	<i>117</i>
<i>Аслам УСМОНОВ, Хуришид САЙФУЛЛАЕВ. Субъект ва унинг ифодаланишига доир айрим мулоҳазалар (Тоҳир Малик асарлари мисолида).....</i>	<i>119</i>
<i>Нигина ШАМСУТДИНОВА. Ибн Сино фалсафий меросининг хориж илмий мактаблари томонидан тадқиқ этилиши.....</i>	<i>121</i>
<i>Мадина АХРОРОВА. Анбар Отиннинг “Қоралар фалсафаси” асарида ижтимоий-фалсафий қарашлар.....</i>	<i>123</i>
<i>Дилмурод БОЗАРОВ. Синергетик парадигманинг фалсафий-методологик таҳлили.....</i>	<i>124</i>
<i>Иноятхон АРЗИМАТОВА, Ж. МУМИНОВ. Процесс информатизации и воспитания гармонично развитого поколения.....</i>	<i>126</i>
<i>Абдумутал ҚАМБАРОВ. Диний қадриятларнинг структуравий трансформацияси ва анъанавий етук шахсни шакллантиришининг негизлари.....</i>	<i>128</i>
<i>Мансур МАМАДАЛИЕВ. Жамиятда миллий анъаналар ривожланишининг диний-мифологик ва ахлоқий-эстетик хусусиятлари.....</i>	<i>131</i>
<i>Қосимбек РАЗЗОҚОВ. Тасаввуф таълимоти ва унинг онтологик жиҳатлари.....</i>	<i>133</i>
<i>Хуришид ТОШОВ. Герметизм генезесини тадқиқ этишининг назарий методологик асослари.....</i>	<i>135</i>
<i>Бахтиёр ТУРСУНОВ. Алишер Навоийнинг комил инсон таълимотида мураккабликдаги оддийлик тамойили (“Маҳбуб ул-қуллуб” асари мисолида).....</i>	<i>137</i>
<i>Саида ЮЛДАШЕВА. Абу Наср Форобийнинг фалсафий қарашлари.....</i>	<i>139</i>

#### **ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ**

<i>Шухрат ТУРАТОВ. Ёшларда фуқаролик масъулиятини шакллантиришида диний қадриятларнинг тутган ўрни.....</i>	<i>141</i>
<i>Азиза ЭГАМБЕРДИЕВА. Ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришининг ўзига хос жиҳатлари.....</i>	<i>143</i>
<i>Ro‘zi КОМЛОВ. O‘zbek xalqi nikoh munosabatlarining diniy-estetik mohiyati va yoshlar tarbiyasidagi ahamiyati.....</i>	<i>145</i>
<i>Элёр УЛУҒМУРОДОВ. Глобаллашув даврида ёшлар эстетик тафаккурида диний бағрикенглик тамойиллари.....</i>	<i>146</i>
<i>Бобомурод РУСТАМОВ. Ўзбекистонда олий диний таълим муассасаларида кредит тизимини жорий этиш қулайликлари хусусида.....</i>	<i>148</i>

#### **ИМОМ БУХОРИЙ РИВОЯТ ҚИЛГАН ҲАДИСЛАР**

<i>Яхшидан боғ қолар.....</i>	<i>150</i>
-------------------------------	------------

## ЖИЗЗАХ ВОҲАСИДА АҚИҚА БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР

Фаррух АКЧАЕВ  
ЖизДПИ тарих ўқитиши  
методикаси кафедраси катта  
ўқитувчиси

*Ушбу мақолада Жиззах воҳаси аҳолиси томонидан бола туғилиши билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган “Ақиқа” маросимидаги урф-одатларнинг локал жиҳатлари ёритилган.*

**Таянч сўзлар:** Жиззах воҳаси, локал ўзига хосликлар, анъана, урф-одат, маросим, ақиқа, болага гаров, қўй сўйиш, ошиқ, хурмо, сутли кулча.

*In this article the local features of the customs at the ceremony of “Aqiqa” held by the population of Jizzakh oasis in commemoration of a newborn baby are described.*

*В этой статье описываются локальные аспекты обычаев в церемонии «Акика» связанных с рождением ребенка придерживается жителями Джизакского оазиса.*

Мустақиллик йилларида халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданий меросини тиклаш ҳамда уни дунё жамоатчилигига етказиш борасида кўплаб амалий ишлар бажарилмоқда. Бу ўринда Ўзбекистоннинг бошқа тарихий-этнографик минтақалари қаторида Жиззах воҳасини ҳам ўзига хос ўрни бўлиб, географик ва табиий қулайликлар унда минг йиллар мобайнида ғоят хилма-хил маданиятлар ва анъаналарнинг уйғунлашган ҳолда шаклланишига сабаб бўлган. Шу билан бирга, минтақа аҳолисининг моддий ва маънавий маданиятида ҳам маълум локал ўзига хосликлар мавжудки, улар узоқ йиллар мобайнида ҳудудда кечган тарихий ва этномаданий жараёнлар ҳосиласидир.

Юртимизда ўтказиладиган турли оилавий ва жамоавий маросимлар умумий ва хусусий жиҳатлари билан ажралиб туради. Республика миқёсида қиёсий таҳлил қилинганда барча минтақаларда ўтказиладиган маросимлар ва одатлар қарийб ўхшаш ҳолатда ташкил этилсада аммо, айрим хусусий ҳолатлар ҳам мавжудки, бу жараён аҳолининг турмуш тарзи, кундалик машғулот, орзу-истаклари ва маҳаллий анъаналар билан боғлиқ қарашлардаги ўзига хослик асосида юзага келади. Чунки, анъана, урф-одат ва маросимларнинг юзага келиши ва халқ ижтимоий ва диний ҳаётида муҳим ўрин эгаллаши мураккаб жараён бўлиб, унга бир қанча омиллар таъсир ўтказади. Яъни, миллий ўзига хосликлар узоқ тарихий даврдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнлар, табиий-географик ўрнашув, ўзаро этномаданий алоқалар, диний мансубликлар асосида қарор топади ва айнан мана шулар ҳамда халқнинг руҳий-психологик қарашлари негизда қадимий анъаналар, урф-одатлар ва маросимлар шаклланади [2: 189].

Жиззах воҳаси аҳолиси томонидан ташкил этиладиган маросимларда ҳам умумўзбекка хос жиҳатлар билан бир қаторда, хусусий кўринишлар ҳам мавжуд. Воҳа аҳолисининг ислом динига бўлган муносабати ва дин доирасида бажариладиган одатлари алоҳида хусусиятга эга бўлиб, характер жиҳатидан қадимий эътиқодий маросимлардан фарқ қилади. Аммо, ажодлар руҳи билан боғлиқ маросимлар ҳамда исломнинг айрим бошқа одатлари баъзан яхлит ҳолда, баъзан қадимги диний эътиқодлар ҳамоҳанглигида ёки исломнинг халқона кўринишлари шаклида ташкил қилинади. Воҳа аҳолиси томонидан ўтказиладиган оилавий маросимларни таҳлил қилар эканмиз, аксарият одатлар, айрим маросимга хос таомларни тайёрлаш, уларда ишлатиладиган предметидаги ранглар семантикаси ва сонларни танлаш билан боғлиқ қарашларда қадимий эътиқод изларини ўзида сақлаганлиги сабабли, маросимлар ҳам қоришиқ кўринишда акс этишининг гувоҳи бўламан. Бундан ташқари, Жиззах вилоятининг ҳозирги ҳудуди тарихнинг турли даврларида баъзи давлатлар ва хонликлар (Сўғд, Уструшона, Бухоро ва Қўқон хонликлари) таркибида бўлганлиги ҳисобига айрим қарашларда қўшни вилоятлардаги каби ўхшашликлар ёки такрорий жиҳатлар учрайди [3]. Аммо, маҳаллий ҳудуднинг географик хусусияти, аҳоли

онгида шаклланган миллий характер жиҳатдан оила ва жамоа билан боғлиқ урф-одат ва маросимларда маълум этноҳудудий фарқлар кўзга ташланади.

Воҳа аҳолиси томонидан ўтказилиб келинаётган фарзанд туғилиши билан боғлиқ бир қанча маросимлар бўлиб, улардан ҳозирги вақтда энг кўп ўтказиладиганларидан бири бу Ақиқа маросимидир. Ақиқа – воҳа аҳолисининг айна вақтда, Жиззах шаҳри ва унинг атрофидаги Шароф Рашидов туманига қарашли қишлоқ ва маҳаллаларда истиқомат қилувчи кишилар орасида кенг тарқалган. Тадқиқотлар асосида айтиш мумкинки, воҳа аҳолиси орасида бу маросим оилавийлик касб этиб, асосан, диний маросим сифатида талқин қилинади.

Бу маросим асосини болага етадиган бало, бедаво касалликларни олдини олиш мақсадида унинг номидан бирор жонлиқни сўйиб, садақа қилишни англатади. Бу ҳақда Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қилинган ҳадисларда “Янги туғилган болага “ақиқа” қилинлар, қон чиқариб, азиятларни даф қилинлар” [6: 1178-1179], деганлар. Шунингдек, “Ақиқа болага гаровдир. Еттинчи куни қўй сўйилади, исм қўйилади ва сочи олинади” [1: 3ж. 92], дейилади. Воҳа аҳолиси орасида сақланиб қолган маросим шартларига кўра янги туғилган чақалоқ ўғил бўлса – 2 та, қиз бўлса – 1 та қўй сўйиш жоиз [9: 28-29] ҳисобланади.

Воҳада шу пайтгача бу маросим аҳолининг маълум бир ижтимоий тоифаси ва диний илмдан хабари бор, асосан, эшонзодалар, саййидлар авлодлари ва хўжалар томонидан ўтказилиб келинган бўлса, ҳозирги кунда аҳолининг бошқа қатламлари орасида ҳам урф бўлиб бормоқда [5]. Бунинг сабаби, мустақиллик йилларида аҳолининг исломий билимларини ошиши ва жойларда имом-хатиблар томонидан олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари натижаси, дейиш мумкин.

Воҳада ақиқанинг мазмунини янги туғилган чақалоққа мулла ёки имом томонидан уни чилласи чиқмасдан ёки оиланинг иқтисодига қараб ёшига етгунга қадар қулоғига азон айтиш ҳамда исм қўйиш ташкил этади. Воҳада ақиқа йилнинг қайси фасли бўлишидан қатъий назар, эркаклар дастурхони учун хурмо, аёллар учун сутли кулча қўйилиб, таомлардан ҳолвайтар, бўғирсоқ, қатлама, чўзма дастурхонда бўлиши талаб қилинади. Ақиқа маросимида дастурхонга хурмо қўйиш одати Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)дан, Абу Мусо (р.а.)дан ривоят қилинган: “Мен ўғил кўрганимда уни Набий (с.а.в.) ҳузурларига олиб бордим. У зот уни Иброҳим деб номладилар, хурмо ила танглайини кўтардилар ва унга барака тилаб дуо қилиб, менга тутқаздилар...” [10: 240], – деган мазмундаги ҳадисдан келиб чиққанлигини кўриш мумкин.

Ақиқа маросимини ўтказиш йилнинг иссиқ кунларига тўғри келса, яқин ҳудуддаги зиёратгоҳларда ҳам ташкил этилади. Бунда фақат эҳсон учун аталган қурбонлик зиёратгоҳда амалга оширилиб, таом тайёрлаш учун доғланаётган мойга чўзма ва бўғирсоқлар ҳамда биринчи иккинчи таомлар пиширилади, қолганлари маросим эгаси хонадонидан тайёрланиб келина-

ди. Ақиқа маросимида локал кўринишдаги одатлардан бири шуки, воҳа хонадонларида ёки Хўжамушкент ота, Новқа ота, Парпи ота, Саъд ибн Абу Ваққос ва Хўжабоғбон ота сингари зиёратгоҳларда амалга оширилган одатга кўра тажрибали ва хонадоннинг ёши улуг аёллари ақиқа маросими ўтказилгандан сўнг, шу ерда эҳсон учун сўйилган кўйнинг ошиғини ушбу гўдак соғ-саломат улғайсин, чимилдиқ кўрсин, деган мақсадда олиб кетишади ва уни ушбу чақалоқ вояга етганида унинг чимилдиғи ёки кўрпасининг бир четига тугиб кўйишади. Қолган суякларини яхшилаб тозалаб, янги оқ матога ўраб хонадоннинг тоза жойига кўмиб кўяди. Ахборотчиларимиздан бунинг сабаби сўралганда, бу боланинг ризқи уни бегоналар ёки ит олиб кетмаслиги керак[4], деб жавоб беришди. Ақиқа маросими билан боғлиқ яна бир одат – сўйилган кўйнинг тўртдан бир қисмини ёки битта сонини чақалоқнинг онаси учун олиб кўйилади. Бунинг сабаби – эҳсондан онанинг сути орқали болани баҳраманд қилишдир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ислом динига хос бўлган маросимлар ва байрамларга маҳаллий халқларнинг қадимги урф-одатлари ҳам қўшилиб, уларни бойитган ҳолатлар ҳам учрайди. Масалан, арафа куни қўшниларга ош улашиш, “ҳайитлик” бериш, янги ва тоза либослар кийиш, кўни-кўшнилар,

қариндошлар, қариялар, касал ва ночорлардан хабар олиш, ўша кунларда дам олиш, сайил қилиш каби одатлар ислом байрамларининг таркибий қисмларига айланиб борган[7: 42].

Хулоса қилиб айтганда, воҳадаги зиёратгоҳларда ўтказиладиган ислом дини билан боғлиқ маросимлар, расм-русумлар ва уларнинг қоидаларини ўрганиш натижасида мазкур маросимлар ислом дини билан боғлиқ ҳолда ёки ислом динига оид деган, қарашлар асосида шаклланиши ва улар халқона ислом аънаналари, қоидалари асосида ҳамда воҳа аҳолисининг асрлар давомида аждодлардан авлодларга мерос сифатида ўтиб келаётган ақидалари орқали ривожланганлиги далилланди. Бугунги кунда воҳада фарзанд туғилиши билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган маросимлар маҳаллий аҳоли дунёқарашда исломий амалларга асосланган бўлсада, лекин айрим ўринларда қадимий этиқодлар билан боғлиқ тасавурлар ҳам учрашини кўриш мумкин. Аммо, бу каби қадимий этиқод излари яққол ажралган ҳолда намоён бўлмайди, балки айрим элементлари ислом дини қарашлари билан симбиоз[8: 417] тарзда учрайди. Бунинг сабаби сифатида жамият ҳаётида рудемент кўринишда сақланган илк диний қарашларга хос хусусиятларни исломий қоидалар билан интеграциялашуви натижаси дейиш мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Язид Қазвиний. Саҳиҳи ибн Можа. – Риёз: Маъориф, 1998. Жилд 3.
2. Аширов А. Этнология: ўқув қўлланма. – Т.: Yangi nashr, 2014.
3. Дала ёзувлари. Бахмал, Ғаллаорол, Фориш ва Зомин туманлари. 2015-2017.
4. Дала ёзувлари. Ш.Рашидов тумани, Тошкентлик маҳалласи. 2018.
5. Дала ёзувлари. Жиззах шаҳри ва Ш.Рашидов тумани. 2017.
6. Имом Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий. – Байрут.: Дар ат-тасил, 2018.
7. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. – Т.: Шарқ, 2002.
8. Симбиоз – икки хил организмнинг муайян бир муҳитда бир-бирига фойда ёки зарар келтириб бирга яшаши // Русча-ўзбекча луғат. – Т.: ЎзСЭ, 1984.
9. Фазлуддин Икромиддин. Оила ва никоҳ рисоласи. – Т.: Мовароуннахр, 2004.
10. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Зикр ахлидан сўранг. – Т.: Nilol нашриёт-матбаа концерни, 2016.

## РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ДАВРИДА ТУРКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ МАКТАБ ВА МАДРАСАЛАРИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА)

**Шокир ҒАФФОРОВ**  
Самарқанд Давлат тиббиёт  
институтини профессори, т.ф.д.,  
**Ш.Р. РАВШАНОВ**  
тадқиқотчи

*Мақолада Фарғона водийсидаги подшоҳликлар истилоцидан кейинги мактаблар ва мадрасалардаги вазият, ўрганилаётган мавзулар, ижтимоий-иқтисодий шароитлар, мустамлака маъмуриятининг Россия империясига муносабати ўрганилган.*

**Таянч сўзлар:** истилочилик, манфаатдорлик, Чоризм, Туркистон, «Одна», ақоид, Таҳзиб, Ҳимматул-айн.

*In work are researched questions of the condition of the schools and madrassa in Fergana valley after conquest Turkestan Tsarist Russia, social-economic conditions, taught sciences, attitude to colonial administration to sphere of the enlightenment.*

*В работе исследована ситуация в школах и медресе Ферганской долины после Царского завоевания, изучаемые предметы, социально-экономические условия, отношение колониальной администрации к Российской империи.*

Туркистоннинг барча ҳудудлари Чор Россияси томонидан забт этилгач, ўлка халқлари ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётида янги бир давр вужудга келди. Бу тарихий вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари, айниқса, ўлка турмуш тарзининг маданий-маърифий жабҳаларда ўзининг ёрқин ифодасини топди. Шарқона услуб ва шаклларда давом этаётган маданият, ғарб тараққиёти аънаналарини жадал эгаллаётган маорифий муносабатлар билан юзма-юз келди. Тарихдан аёнки, ҳар қандай ҳарбий истилочиликнинг мақсади, маълум бир ўлкани ҳар томонлама асоратга солиб, унинг табиий, моддий ва маънавий бойликларидан ўз истиқболи йўлида фойдаланишдан иборат. Худди шу нуқтаи назардан қаралганда, Чор маъмурлари учун Туркистондан келадиган манфаатдорлик, уни забт этиш учун ҳисобсиз маблағ ажратишга монелик қилган эмас. Буни яхши англаган чор амалдорлари, ўлкани асоратга солиш учун барча имкониятларини ишга солди. Ниҳоят кўп йиллик урушлар сиёсий ҳарбий, мафкуравий, иқтисодий тазйиқлар ўз самарасини

бериб, Туркистон Чор Россиясига бутунлай қарам бўлиб қолди. Чоризм Туркистонни фатҳ этгач, диққат эътибор, энг аввало ўлка маориф тизимига қаратилди. Шу ўринда бунинг боиси нима? деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, мустамлакачилар ўлка халқлари онгида, кўп асрлар давомида шаклланиб келган миллий ғурур туйғуси, ватанга садоқатлилик, миллат тақдири учун қайғуриш, унинг истиқболи учун кураш ва бошқа шу каби муқаддас тушунчаларга барҳам бериб, унинг ўрнига кўр-кўрона бўйсунуш, мутелик, тобелик, ўз миллий аънана ва маданиятидан бебаҳралик ва демаски, ўзлигидан ажралиш руҳида тарбиялаш эди. Иккинчидан, Чор ҳукумати ўз сиёсий фаолиятини, мафкуравий ғояларини Туркистоннинг маориф тизими орқали кенг халқ оммаси онгига чуқур сингдириш, маънавий тазйиқ ўтказиш йўли билан ўз нуфузини мустаҳкамлаш, ўлкани барҳаёт, абадий асоратга солиш эди. Кейинчалик бу жараёнлар ўлкани “маданийлаштириш”, халқнинг “саводхонлигини ошириш” каби иборалар билан пар-